



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат
техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий
университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шавкатжон Тўланбоев,
Наманган давлат университети катта ўқитувчиси

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

For citation: Shavkatjon Tulanbaev, THEORETICAL-METHODOLOGICAL PROBLEMS OF STUDYING THE ISSUE OF GLOBALIZATION AND SPIRITUAL THREATS. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.55-60

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “глобаллашув” тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, мазкур атаманинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар, глобаллашувнинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсий ҳаётига таъсири таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада глобаллашув жараёнларининг маънавий таҳдидлар билан боғлиқ ва ўзаро фарқли томонлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Глобаллашув жараёнлари, мафкура, маънавий таҳдид, ахборот хуружлари, сиёсат, маданият, иқтисодиёт, ғоялар кураши, интеграция, геосиёсат, геосиёсий жараёнлар, халқаро ҳаёт, виртуал олам.

Шавкатжон Туланбаев,
Старший преподаватель Наманганского
государственного университета

ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ГЛОБАЛИЗАЦИИ И ДУХОВНЫХ УГРОЗ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется понятие «глобализация», его сущность, факторы, приведшие к возникновению термина, влияние глобализации на мировую экономику и политическую жизнь. В статье также освещаются духовные угрозы и взаимосвязанные аспекты процессов глобализации.

Ключевые слова: Процессы глобализации, идея, идеологическая угроза, информационные атаки, политика, культура, экономика, идеологическая борьба, интеграция, геополитика, геополитические процессы, международная жизнь, виртуальный мир.

Shavkatjon Tulanbaev,
Senior teacher of Namangan State University

THEORETICAL-METHODOLOGICAL PROBLEMS OF STUDYING THE ISSUE OF GLOBALIZATION AND SPIRITUAL THREATS

ABSTRACT

In this article the concept of “globalization”, its content, the origin of this term, the influence of globalization on the economy and political life of the world are analyzed. Also, the connections of the processes of globalization with spiritual threats and their differences are reported in the article.

Index Terms: The processes of globalization, ideology, spiritual threat, informational attacks, politics, culture, economy, struggle of ideas, integration, geopolitics, geopolitical processes, international life, virtual world.

1. Долзарблиги:

Ҳар бир даврнинг мазмун-моҳиятини, ривожланиш қонуниятини тўғри англаб ва тушуниб етишда энг муҳими даврнинг мазмунини белгилаб берувчи жараёнлар ҳамда тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда ҳаётимизда ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда кенг қўланилаётган глобаллашув тушунчаси кўплаб сиёсатчи, файласуф олимларни қизиқтириб келмоқда. Чунки жамият тараққиёти бевосита ана шу жараённи тўғри англаш билан боғлиқ эканлиги кундан-кунга равшан бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини ва уни келиб чиқиш сабабларини фалсафий таҳлил этиш бевосита биз танлаган мавзунинг мазмунини ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, глобаллашув тушунчасини билмасдан туриб, бу жараёнда маънавий таҳдидларга қарши курашнинг мазмуни ҳақида фикр билдириш мантиққа зиддир. Бугун инсоният тез суръатлар билан ўзгариб бораётган, инсоният ҳозирга қадар бошидан кечирган даврлардан тубдан фарқ қиладиган ўта шиддатли ва мураккаб бир замонда яшамокдамиз. Давлат ва сиёсат арбоблари, файласуфлар ва жамиятшунос олимлар, шарҳловчи ва журналистлар бу даврни турлича таърифлаб, ҳар хил номлар билан атамоқда. Кимдир уни юксак технологиялар замони деса, кимдир тафаккур асри, яна биров ялпи ахборотлашув даври сифатида изохламоқда.

Албатта, бу фикрларнинг барчасида ҳам маълум маънода ҳақиқат, рационал мағиз бор. Чунки, уларнинг ҳар бири ўзида бугунги серкирра ва ранг-баранг ҳаётнинг қайсидир белги-аломатини акс эттириши табиий. Аммо кўпчиликнинг онгида бу давр глобаллашув даври тариқасида таассурот уйғотмоқда. Бундай таъриф, кўп томондан масаланинг моҳиятини тўғри ифодалайди. Нега деганда, ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топиши ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай глобаллашув феномени ҳақида гапирганда, бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, ҳаётий тушунча сифатида жуда кенг маънони англатишини таъкидлаш лозим.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар: тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган. Унда глобаллашув ва маънавий таҳдидлар масаласини тадқиқ этишнинг назарий-методологик муаммолари таҳлил қилинган.

3. Тадқиқот натижалари:

“Глобаллашув” атамаси дастлаб XX асрнинг 80 йиллари бошларида иктисодий соҳада содир бўлган ўзгаришларни юзага келтирган омил сифатида америкалик олим Т. Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди [1:Б.152]. Унда ёзилишича, глобаллашув – трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёни”. Уни ўрганиш жараёни эса Роланд Робертсон томонидан 1985 йилда унинг жаҳонни ягона бир бутун қилиш мақсадига қаратилган объектив жараёнларнинг мажмуаси сифатида аниқланган даврдан бошланган. Ушбу тушунчага ана шу пайдан бошлаб то ҳозиргача турлича қарашлар давом этиб келмоқда. Аксарият кўпчилик илмий тадқиқотларда глобаллашувни латин тилидаги “globus” шар, француз тилидаги “global” умумбашарий сўзлари билан таърифлайдилар. Республикамиз олимлари ҳамкорлигида нашр этилган “Фалсафа. Қомусий луғати”да “Глобал

(умумбашарий) муаммолари” тушунчаси берилган. Унда бу тушунча (Французча global энг умумий) ўз кўлами, камрови жихатидан хилма-хил ва бутун ер шари ва инсониятга дахлдор бўлган муаммо эканлиги таъкидланади. Шунингдек, мазкур луғатда глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасида ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади, деб кўрсатилади ҳамда бугун жаҳонда юзага келган глобал муаммоларнинг бир нечтаси мисол тариқасида келтирилади [2:Б.92].

Рус олими Л. Е. Грининнинг фикрича, глобаллашув минтақалар ва умуман жаҳоннинг интеграцияси ва яқинлашувининг натижасидир” [3:Б.56]. У глобаллашувга жараён сифатида қарайди ва унга қуйидаги таърифни беради. “Глобаллашув бу жараён, унинг натижасида дунё ўзининг барча субъектларига янада алоқадор ва яна ҳам боғлиқ бўлади. Рус олимларидан бири профессор А. Г. Косиченко ҳам глобаллашувга жараён сифатида қарайди. У шундай ёзади: “Глобаллашув кўп ўлчамли жараён, у ўз таъсир доирасига турли усул ва воситалар билан барча соҳаларни қамраб олади”. Айни пайтда унинг фикрича, “иктисодийнинг ўзига хос ҳукмронлик таъсири бугунги кунда жаҳон ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўляпти”. 2006 йилда “Глобаллашув” тушунчаси ва унинг турли соҳаларга ўтказилган таъсирини аниқлашга бағишланган жаҳоннинг етакчи олимлари ҳамкорлигида “Глобалистика международный междисциплинарный энциклопедический словарь” тайёрланиб эълон қилинди.

Бундан ташқари, Француз тадқиқотчиси Б. Банди томонидан глобаллашув жараёнига берилган қуйидаги уч ўлчов келтирилган: глобаллашув муттасил давом этадиган тарихий жараён; глобаллашув жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни; глобаллашув миллий чегараларнинг ювилиб кетиш жараёни, эканлиги ҳам қайд этилган [4:Б.119].

Глобаллашув – иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларнинг ҳаддан ташқари интенсивлашуви, энг янги ахборот технологиялари ва умуман ахборотнинг жаҳон миқёсида шиддат билан тарқалиши, халқаро стандартлашув.

2001 йилда чоп этилган “Мустақиллик илмий-оммабоп изоҳли луғати”да ҳам глобаллашув тушунчасига ўзига хос тарзда таъриф келтирилган: Глобаллашув (глобализация) – лотинча “глоб” сўзидан олинган бўлиб, айнан уни “думалоқлашув”, “қурралашув” деб таржима қилиш мумкин. Ер шарининг, Ер қуррасининг фан-техника ютуқлари туфайли инсоният ихтиёридаги худди бир бутун шарга, қуррага айланишини тушунтириш учун ишлатилади [5:Б.49]. Инсоният тараққиёти айни вақтда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш жараёнидир.

Глобаллашувнинг ижобий томони шундан иборатки, у халқларнинг, давлатларнинг, миллий маданият ва иқтисодийларнинг яқинлашини тезлаштиради, уларнинг ривожланиши учун янги имкониятлар очади. Унинг салбий томони шундан иборатки, кўп минг майда, қолоқ этник гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, тили, расм-русмлари жаҳон бўйлаб кучайиб бораётган глобаллашув жараёнларида катта миллатлар, йирик миллий маданиятлар, бой тиллар билан рақобатлаша олмай, ўз-ўзидан фаол ижтимоий-иқтисодий, лисоний-забоний ҳаётдан четга чиқиб қолмоқда.

Маълумки, ҳар бир ижтимоий ҳодисанинг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят ўткир ва кенг камровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, ҳис этиш мумкин. Айниқса, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи кучининг эркин ҳаракати учун қулайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация, ахборот технологиялари ва илм-фан ютуқларининг тез тарқалиши, турли кадрларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши – табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда.

Аввало, глобаллашув натижасида оммавий маданият ниқобидаги нохуш ҳодисаларнинг аксилмаданиятнинг тарқалиш хавфи ҳамда халқларнинг ранг-баранг, бой маънавий ҳаётининг бирхиллашуви, миллий ўзлик туйғусининг сусайиши, эгоизм ва

нигилизм каби хатарларнинг кучайишида кўриш мумкин. Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишидаги таъсирига бардош бериши амримаҳол.

Файласуф олим, устозимиз Абдувоҳид Очилдиевнинг “Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар” рисоласида ҳам ушбу тушунчага ўзига хос тарзда ёндашилганлигини кўриш мумкин. Унда муаллиф “Глобаллашув” тушунчаси “энг умумий маънода глобаллашув бир томондан, муайян ҳодиса, жараённинг барча минтақалар, давлатлар ва бутун Ер юзининг камраб оланини, иккинчи томондан, уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатади”, деган фикрни илгари сурган [6:Б. 23].

Хуллас, глобаллашув тушунчаси ҳақидаги қарашлар турли-туманлигича давом этиб келмоқда. Бу табиий ҳол. Чунки, унинг макон ва замонда содир бўлиш хусусиятлари турлича бўлиб дунёнинг ўзгаришига ўтказаетган таъсирида ҳам янгидан янги имкониятлари намоён бўлмоқда. “Глобаллашув” тушунчасига муаллифлар томонидан юқорида илгари сурилаётган турли фикрларга қўшилиш мумкин. Чунки ҳар бир муаллиф унинг турли соҳаларига ўтказаетган таъсирини турлича тафаккур қилади ва уни турлича талқин этади. Шу маънода муаллифлар томонидан илгари сурилаётган фикрлар қанчалик турли-туман бўлса, унинг турли хусусиятлари ва инсоният, миллат, мамлакат, жаҳон миқёсида ўтказаетган таъсирини ўрганишнинг имкониятлари шунчалик кенгайиб боради. Умумий нуқтаи назардан қараганда, глобаллашув жараёни мутлақо янги маъно-мазмундаги хўжалик, ижтимоий-сиёсий, табиий-биологик глобал муҳитнинг шаклланишини ва шу билан бирга, мавжуд миллий ва минтақавий муаммоларнинг жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланиб боришини ифода этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг интенсивлашуви билан бевосита боғлиқ ҳолатда юзага келадиган жараён ҳисобланади. Унинг мазмун-моҳиятини халқлар ва давлатлар орасидаги ўзаро алоқалар ва ўзаро боғлиқликларнинг кескин тарзда кенгайиб кетиши ва мураккаблашиши ташкил этади. Бу - умумсайёра миқёсидаги ижтимоий ривожланишнинг янги босқичидир. Унинг пайдо бўлиши фан ва техника ютуқлари туфайлигина мумкин бўлди. У инсон фаолиятининг турли соҳаларида содир бўлаётган кўпдан-кўп теран ўзгаришлардан таркиб топади. Глобаллашувнинг вужудга келишида савдо ва ишлаб чиқариш, иқтисодий, молиявий алоқаларнинг дунё миқёсида ғоят кучайиши, тезлашиши замин бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу даврда ҳар қандай йўналишдаги ҳамкорлик, капитал ва товарлар ҳаракати, шартномалар, дастлабки музокаралар электрон алоқалар воситасида амалга оширилади. Бу эса бир томондан, истеъмол моллари ва хизматларни, иккинчи томондан эса молиявий тузилмалар, бухгалтерия ҳисоблари, ўзаро тўловлар, аудит, статистика сингари фаолият турларини стандартлаштириб, ягона андозага келтирди. Айниқса, XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб трансмиллий компанияларнинг жадал ривожланиши дастлаб уларнинг ваколатхоналари мавжуд бўлган мамлакатларда, сўнгра эса жаҳон миқёсида ҳам ягона стандарт ва технологияларнинг тезкор тарқалишига, истеъмол ва турмуш тарзининг бир хиллашувига сабаб бўла бошлади.

Яна бир сабаб – дунё миқёсида урбанизациянинг кучайиши ҳам глобаллашув жараёнини тезлаштиради. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда шаҳар аҳолисининг иқтисодий фаол қисми эрталаб ишга, ёшлар ўқишга бориб, кечқурун хонадонларига қайтади, бўш вақтини ҳам қарийиб бир хил – телевизор олдида ўтказиши.

Шу ўринда айтиш керакки, глобаллашув жараёни тамомила янги эмас. Илм-фан, иқтисодиёт, транспорт, алоқа коммуникациялари янги воситаларнинг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграциялар, халқаро алоқалар ва алмашувларнинг тифизлашиши мамлакатлар ва халқларнинг бир-бирларидан ажралган ҳолда ҳаёт кечиришларига чек қўйди. Глобаллашувнинг муҳим жиҳати-ҳозирги кунда халқаро муносабатларни бошқариб боришнинг оламшумул тизимлари яратилмоқда. Умуман, глобаллашув инсон фаолиятининг, ҳаракат-амалиётининг барча жиҳатларини камраб олган.

Аслида глобаллашув XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли даража ва кўринишларда мавжуд бўлган. Дастлаб, у стихияли равишда кечган бўлса, маълум вақтдан кейин иқтисодиётни тараққий эттирувчи омилга айланган. Унинг бу имкониятидан ҳамма манфаатдор бўлган ва бу жараённинг авж олиши XXI асрга кириб келиш даврига тўғри келмоқда.

Глобаллашув жараёни ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаётганининг асосий омили ва сабаби хусусида гапирганда шуни объектив тан олиш керак — бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилари, балки жаҳон миқёсида бошқа мин-тақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб кел-маслигини тушуниш, англаш қийин эмас.

Олимларнинг фикрича, глобализация бир неча ижобий жиҳатларга эга бўлиб, у жумладан, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган муаммоларни ечишга жиддий асос яратади; бозорнинг кенгайиши билан бир қаторда ихтисослашув ва халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашувига сабаб булувчи халқаро рақобатни вужудга келтиради; глобал миқёсда ишлаб чиқаришнинг рационаллашуви, замонавий технологияларнинг кенг тарқалиши ҳамда дунё миқёсида инновацияларни киритишга қаратилган рақобат босими натижасида кузатиладиган иш самарадорлигининг ошишига олиб келади [7:Б.52].

Бироқ глобализация ўзида нафақат ижобий натижаларни, балки ўзига ҳос зиддиятларни, демак, салбий натижаларни ҳам мужассам этган. Глобализациянинг салбий жиҳатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланмаган мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ривожланган мамлакатларникига нисбатан сустроқ бўлганлиги сабабли, глобализациядан келадиган афзаллик ва устунликлар асосан ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади; жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги дунёнинг беқарорлигига сабаб бўлиши мумкин; бой ва камбағаллар ўртасидаги масофа янада чуқурлашиши, адолатсизлик, тенгсизлик натижасида кўпгина зиддиятлар пайдо бўлиши эҳтимоли бор; баъзи мамлакатлар иқтисодиётининг назорати мустақил ҳукуматлардан салоҳиятлироқ бўлган халқаро ташкилотларга ёки трансмиллий корпорациялар қўлига ўтиш хавфи мавжуд; глобализация натижасида турли юқумли касалликлар, гиёҳвандлик, уюшган жиноятчиликнинг бир мамлакат ҳудудидан бошқаларига тарқалиши осонлашади; глобализация миллий давлатчилик пойдеворининг заифлашувига ва ҳатто айрим давлатларнинг йўқолиб кетишига, ғарб поп маданиятининг кенг тарқалишига ва аксинча турли миллий маданиятларнинг йўқолиб кетишига олиб келиш мумкин: (олимларнинг таъкидлашича, ғарб маданияти таъсирида ҳозирги пайтда дунёда ҳафтасига 2 та тил ўлик тилга айланмоқда). Глобализациянинг ижобий ва салбий жиҳатларини қабул қилишда тегишли таваккалчиликка йўл қўйилади. Шиддат билан ривожланиб бораётган жаҳон рақобати тизими ва ишчи кучи бозорининг ривожланиши ҳамда фан-техника ютуқларининг кенг тарқалиши билан бир қаторда, оммавий маданиятнинг босқини, мамлакат миллий манфаатларининг трансмиллий капиталнинг манфаатларига қарамлиги ва бошқа кўринишдаги камчиликлар ҳам мавжуд.

4.Хулосалар:

Шундай қилиб, глобаллашув – нафақат ташқи тузилма, балки давлатларнинг ва сиёсий ҳамжамиятларнинг табиатини ҳам ўзгартирувчи жараён ҳисобланади. Замонавий дунёда уни ажратиб турувчи ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, миллий хусусиятлари ва улар билан боғлиқ бўлган мамлакат ичидаги ва мамлакатлараро зиддиятлардан қатъий назар, бир томондан, глобал таҳдидлар ва иккинчи томондан, жаҳон ҳамжамиятининг барча ташкил этувчиларнинг ўзаро боғлиқликлари шароитида ўсиб бораётган глобаллашувнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ижобий оқибат-лари акс этмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Шамсиева Д. Диншунослик. – Тошкент, 2017. – Б. 152 (. Shamsieva D. Theology. - Toshkent, 2017. - P. 152.).
2. Тулепов А. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. – Б. 56 (Tulepov A. Protection from Internet threats. - Tashkent: Movarounnahr, 2016. - P. 56).
3. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 92(Philosophy. Encyclopedic Dictionary. - Tashkent: Sharq, 2004. - P. 92).
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент, 2009. – Б. 119 (Spirituality: An Explanatory Dictionary of Basic Concepts. - Toshkent, 2009. - B. 119).
5. Мустақиллик илмий-изоҳли луғат. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 49 (Independence scientific-explanatory dictionary. - Tashkent: Sharq, 2001. - P. 49).
6. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. – Тошкент, 2011. – Б. 23 (Ochildiev A. Globalization and ideological processes. - Toshkent, 2011. - P. 23).
7. Қўшаев У. Ахборот истеъмоли маданияти. – Тошкент: Extremum-Press, 2013. – Б. 52 (Qoshaev U. Information consumption culture. - Toshkent: Extremum-Press, 2013. - P. 52).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000